

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кенгайтириш, экспорт қилувчи ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, рақобатбардор экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилишини рағбатлантириш мақсадида:

1. Белгиланган, 2019 йил 1 январдан бошлаб товарлар (ишлар, хизматлар)ни, шу жумладан, комиссияер (ишончли вакил) орқали реализация қилишдан тушган умумий тушумида экспорт улуши 15 фоиздан юқори бўлган юридик шахслар солиқ солинадиган базани;

товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортга реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган фойда қисми юзасидан юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича;

товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспортга реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган қисми юзасидан ягона солиқ тўлови бўйича камайтирадilar.

Ушбу бандда назарда тутилган имтиёзлар иловага мувофиқ рўйхат бўйича ҳам ашё товарларини экспорт қилишга, шунингдек, халқаро ташишлар (автотранспортдан ташқари) ҳамда узатиш қувурлари ва газ қувурлари орқали етказиб бериш хизматларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Белгилансинки, ушбу Фармоннинг 1-бандида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилиши натижасида тўланмаган маблағлар қуйидаги ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ пеня ҳисобланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундирилади:

товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти фактини қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда;

товарлар экспорт режимида чиқарилган қўлдан бошлаб 180 кун мобайнида валюта тушуми таъминланмаганда.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги янги тахрирдаги Солиқ кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда ушбу Фармонга мувофиқ берилаётган имтиёزلарни назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу Фармонга мувофиқ имтиёزلарни қўллаш устидан тизимли назорат ўрнатсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж. А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқимизнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа вакиллари қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон композииторлари ва бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон давлат филармонияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали ташкил этилди.

Давоми 2-бетда ➡

Диққат, янги нашр:

«АДАБИЁТ ЗИЁСИ»

Қадри газетхонлар, Тошкент вилоятининг ахборот майдонида янги нашр – "Адабиёт зиёси" газетаси ташкил этилгани билан барчангизни табриклаймиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими томонидан вилоятимиз ҳокимлигининг беvosита кўмаги билан таъсис этилган мазкур газета мамлакатимизда маънавий соҳасига, унинг ажралмас бир қисми бўлган миллий адабиётимиз ривожига берилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир.

Сиз газета саҳифаларида азал-азалдан ўзининг илм-маърифат, маданият, адабиёт ва санъат соҳасидаги ютуқлари, бетакор истеъдод соҳиблари билан юртимизнинг маънавий-интеллектуал тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, Тошкент воҳаси-

дан етишиб чиққан атоқли шоир ва ёзувчилар, филолог олимлар, уларнинг ижод мактаблари, шунингдек, бугунги кунда уларнинг ишларини давом эттираётган ижодкорлар, истеъдодли ёшлар ҳақида қизиқарли мақолалар, асарларидан намуналар ўқиб борасиз. Ушбу нашрда ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори бадий ижодда рўй бераётган эътиборга молик ўзгаришлар, адабий-бадий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари, таникли шоир ва ёзувчилар, олимларнинг фикрлари, Тошкент адабий муҳитидаги янгиликлар билан ҳам мунтазам танишиб борасиз. Бетакорор мўъжиза бўлган адабиёт, ижод

феномени ҳақида таҳлилий мақолалар ўқийсиз.

Бир сўз билан айтганда, янги газета сизнинг қалбингиз, онгу шуурингизга адабиёт, илм-маърифат зиёсини олиб киришга хизмат қилади. Айни пайтда вилоят мактабларида она тили ва адабиёт фанидан фарзандларимизга сабоқ бераётган ўқитувчилар учун энг яқин кўмакчи бўлади.

Газета 2019 йил январь ойидан бошлаб чиқа бошлайди ва сиз учун энг ишончли маънавий ҳамроҳ бўлиб қолади, деб ишонамиз.

«Адабиёт зиёси» газетасига обуна бўлинг!

Газетанинг нашр кўрсаткичи: 7065;
ҳисоб рақами: 20212000800945307001
МФО: 00920
ИНН: 207288407

Made in Uzbekistan

Чиноз туманида жойлашган "Фуран текстиль" масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхона жорий йилнинг май ойида туркиялик ишбилармонлар саъй-ҳаракати билан ташкил этилди. Қисқа вақтда бу ерга хориждан тикув дастгоҳлари келтирилиб, болалар ва катталар учун мўлжалланган 50 турдаги кийим-кечаклар тикиш йўлга қўйилди. Айни пайтда корхонада 120 нафардан зиёд чевар меҳнат қилиб, ойига ўртача 50-60 минг дона сифатли маҳсулот тайёрлашапти.



ЧИНОЗЛИК ЧЕВАРЛАР КОРХОНАСИ



Корхонада иш жараёни қизғин. Ишчиларнинг юз-кўзидан улар ўз ишларидан мамнун эканликларини англаш мумкин. – Ўн етти йилдан бери шу соҳада ишлайман, – дейди жамоа раҳбари Рихси Алимова. – Корхонамизга асосан, ҳаётда қийналган, қўлида ҳунари йўқ қизларни ишга олганмиз. Уларга иш ўргатадиган 20 дан

зиёд малакали тикувчиларимиз бор. Энг муҳими, тумандаги кўпгина қизларнинг бандлигини таъминляпмиз. Ҳаттоки, қўшни вилоятлардан ҳам келадиган тикувчиларимиз бор. Яна 50 та иш ўрни очиш ниятидамиз. Шунингдек, туман ва шаҳарларда ўз брендимиз билан дўконлар очишни режа қилганмиз.

Корхонада ишчиларга қўлайлик яратиш учун автобус хизматлари йўлга қўйилган.

Корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг 80 фоизи қўшни давлатларга, асосан, Россия Федерациясига экспорт қилинмоқда.

Ўз мухбиримиз
Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар

КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ЛОЙИҲАЛАР МАЙДОНИ

Пойтахтимиздаги "Miran International Hotel" меҳмонхонасида Татаристон Республикаси ва Тошкент вилояти ишбилармон доиралари ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича бизнес-форум бўлиб ўтди.

Халқаро ҳамкорлик

Икки томонлама ўзаро ишонч ва самимий ҳурмат руҳида ўтган учрашувда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда бизнес соҳа мутасаддилари иштирок этишди.

Муҳокамааларга бой ўтган учрашувда вилоятимизнинг маъмурий маркази Нурафшон шаҳри ҳудудида индустриал парк қурилиши бўйича истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди. Ушбу лойиҳалар доираси-

да яқин келажақда Татаристон ишбилармонлари билан ҳамкорликда кичик корхоналар ва йирик ишлаб чиқариш объектлари барпо этиш бўйича келишиб олинди. Мазкур лойиҳа Қозон шаҳридаги "Химград" индустриал паркидан андоза сифатида олинди, бунёд этилиши режалаштирилмоқда. Бу индустриал парк кўп йиллардан бери самарали ишлаб, яхши фойда келтираётгани ҳам таъкидланди.



Бизнес-форумда сўзга чиққанлар Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш, чет эл инвестициясини жалб қилган ҳолда янги корхоналар очиш учун қўлай муҳит ва мустаҳкам шароитлар яратилганини қайд этдилар.

Россиялик ишбилармонлар ўзаро тенглик ва манфаатдорлик доирасидаги ҳамкорликка қизиқишлари ортганини, шунингдек, "Эйдос-Медицина", "Данафлекс", "Газпромбанк" каби йирик компаниялар вакиллари ўз сармояларини ушбу ҳудуддаги лойиҳаларга киритмоқчи эканликларини билдирдилар.

Бизнес-форум доирасида татаристонлик меҳмонлар айнаи дамда "Ўзэкспомарказ"да ўтаётган "Made in Uzbekistan" I халқаро экспорт кўргазма ярмаркасида вилоятимиз учун ажратилган павильонга жойлаштирилган кенг ассортиментдаги кичик бизнес ва ишлаб чиқариш корхоналари томонидан тақдим этилган маҳсулотларни бориб кўрдилар.

Бизнес-форум ишида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Одилхон Рустамов қатнашди.

Ўз мухбиримиз
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган сурат

Маҳаллий кенгашларда

ИМКОНИАТЛАР КЎП

бирок, ишга солинмаса
улардан не наф?

Номданаклик Шафоат Нурова етти йил аввал банкнинг имтиёзли кредити ҳисобидан бир сотих майдонга Хитой усулида иссиқхона қуриб, 7 туп лимон, оралиғига эса қўкат экканди. Лимон ҳосили ҳисобидан қарздан қутулди, қўшимча даромади орқали иссиқхона яна 1,2 сотихга кенгайтиришга эришди. Қўчатлар сони 15 тага етди.

– Томорқа – қони барака, деганлари шу экан. Ҳар туп лимонимиз 100 килограммдан ҳосил бермоқда, – дейди Шафоат опа. – Шунингдек, узумдан ҳам мўл ҳосил олдик.

Ўз тажрибалари билан ўртоқлашган томорқа соҳибасининг галига қараганда, бир туп лимондан бир миллион сўмдан ортқ даромад кўрилатган экан. Тўғрида, ахир лимоннинг қилоси бозорда 10 минг сўмдан кам эмас. Шундай бўлгач, энди ялпи даромадни ҳисоблаб олаверинг. Узумдан олинаётган даромад ҳам бундан кам бўлмаяпти.

Халқ депутатлари Паркент тумани кенгашининг навбатдаги сессиясида ана шундай ҳаётий мисоллар кўплаб келтирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги "Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қўнуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ ҳўжалиғи экан майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси муҳокама қилинган сессияда томорқа самарадорлигини таъминлаш учун берилаётган имтиёзли кредитлар ҳажмини ошириш, улардан мақсадли фойдаланиш устидан жамоатчилик назоратини қўлайитириш лозимлиги қайд этилди.

Дарвоқе

Мамлакатимизда солиқ қонунчилигини такомиллаштириш сари дадил қадамлар ташланмоқда. Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, солиқ тўловчилар учун берилаётган енгиллик ва яратилаётган қўлайликлар давлат бюджети тушумларининг кўпайишига олиб келмоқда. Айниқса, жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиғи тўловларининг вақтида тўланиши маҳаллий бюджетлар даромади ошишига хизмат қилмоқда.



СОЛИҚДАН ҚАРЗИНГИЗ ЙЎҚМИ?

Давлат солиқ бошқармаси маълумотларига кўра, 2018 йил учун вилоят бўйича қарийб, 27 минг нафардан зиёд фуқароларга ер солиғидан, 190 минг мол-мулк объектига эса 2,5 миллиард сўмдан кўпроқ солиқ имтиёзлари қўлланган.

Вилоятда жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига 354 минг 100 нафар фуқародан 138 миллиард сўмлик ер ва мол-

мулк солиқлари ундирилган, аммо 55 минг фуқаронинг 19,5 миллиард сўм ер ва мол-мулк солиқлари ҳамон тўланмай қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида "Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар", дейилади.

Давоми 2-бетда ➡

Давоми 3-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек мумтоз ва фольклор санъатининг ноёб намуналарини, ўзига хос ихро мактаблари ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш тизими яратилди. Ўзбек миллий мақом санъати маркази ва музейи ташкил этилди. Ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжумани ҳамда Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ўтказилиши ноёб меросимизнинг нуфузини жаҳон миқёсида ошириш йўлида муҳим амалий қадам бўлди.

Айни пайтда миллий маданиятни янада ривожлантиришга тўқсинлик қилаётган бир қатор тизимли камчиликлар мавжуд. Жумладан:

биринчидан, маданият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, маданият ва санъат муассасалари, ижодий уюшма ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми, ижодкорларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ягона ҳуқуқий база яратилмаган;

иккинчидан, ёш ижодкорларга таълим-тарбия бериш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида пухта тизим яратилмагани маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали олиб бориш, аҳолининг ўсиб бораётган маданий эҳтиёжларини қондириш ва маданий хизматлар сифатини кескин ошириш имконини бермапти;

учинчидан, аксарият маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базаси замон талаблари ва халқаро стандартларга мос келмайдиган, бу эса уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун имкон бермапти;

тўртинчидан, замонавий медиа маконда миллий маданиятимиз муносиб ўрин эгалламагани, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари тўлиқ жорий этилмагани соҳани кенг тарқатиш ва тарғиб этиш, халқаро маданий жараёнларга талаб даражасида интеграция қилишга йўл бермапти;

бешинчидан, маданият ва санъат соҳасидаги нуфузли халқаро фестивал ва танловларда ижодкорларимизнинг иштирокини изчил таъминлаш ва уларнинг сара асарларини намойиш этиш, миллий ижодий маҳсулотларни экспорт қилишнинг самарали тизими яратилмагани, хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмагани ҳам соҳа ривожига тўқсинлик қилмоқда.

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда жаҳон маданияти билан уйғун ҳолда ривожлантириш, миллий маданиятни кенг тарғиб этиш, унинг халқаро маданий маконда тугган ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб юритилади) 1-иловага;

2019 – 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" (кейинги ўринларда – "Йўл харитаси") 2-иловага мувофиқ;

2019 – 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурлари (кейинги ўринларда – Чора-тадбирлар дастурлари) 2.1-2.14-иловаларига мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, 2021 йил ва ундан кейинги йиллар учун Концепцияни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" ва Чора-тадбирлар дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

2. Концепциянинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгилансин:

маданият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий базани, ушбу соҳадаги институционал тизимни ва маданият муассасалари фаолиятини янада тақомиллаштириш; тарихий ва маданий меросимизни сақлаш ҳамда уни ёш авлод тарбиясида кенг қўллаш;

миллий ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз онгига синдириш, этник маданий анъаналарни асраб-авайлаш ва шу асосда халқ ижодиётини қўллаб-қувватлаш;

аҳоли, жумладан, ёшларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва кенгайтириш;

маданият соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, маданиятни янада кенг тарқатиш ва тарғиб этишда инновацион ғоялар ва технологиялардан самарали фойдаланиш;

фуқароларнинг, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда фаол иштирок этиши ва маданий хизматлардан фойдаланишда ижтимоий тенглигини таъминлаш;

◀▶ Бошланғич 1-бета

маданий соҳада ўзaro самарали халқаро муносабатларни ташкил этиш ва ривожлантириш, миллий маданиятга жаҳон маданиятининг ажралмас қисми сифатида қараш, бу борада тенг ҳуқуқлилик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

қабул қилинаётган иқтисодий, ижтимоий ва маданият соҳасига оид қарорларнинг ушбу соҳадаги ягона давлат сиёсатида мослигини таъминлаш;

маданият ва санъат муассасаларининг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш, уларнинг моддий ресурс базасини янада мустаҳкамлаш, объектларни сақлаш ҳамда муҳофаза қилишда жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатётган маданият ва аҳоли дам олиш марказлари негизда маданият марказлари ташкил этилсин.

Куйидагилар маданият марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолига маданий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, уларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш ва бўш вақтларининг мазмунли ўтишини таъминлаш, ижодий жамоаларнинг миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарни ўзида муҳасам этган намуналарни дастурларини шакллантириш;

халқ ижодиёти ва бадиий ҳаваскорлик санъатини сақлаб қолтиш ва ривожлантириш, бадиий ва амалий ижодий жамоалар, ҳаваскорлик гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиши учун қўлай шарт-шароит яратиш ҳамда ижодий жараёни тизимли равишда бойитиб бориш;

болаларни тўғарақларга жалб этиш, хорижий тилларни ўрганиш ва "нутқ маданияти" бўйича курсларни ташкил этиш, халқ ижодиётининг барча жанр ва йўналишлари, ҳаваскорлик санъати ва номоддий маданий меросини кенг тарғиб қилиш ҳамда уларни асл ҳолича келажақ авлодга етказиш;

адабиёт ҳамда санъат арбоблари ва профессионал ижодий гуруҳлар билан маънавий-маърифий, маданий-оммавий тадбирлар ташкил этиб, улар иштирокида аҳоли, хусусан, ёшлар билан бевосита бадиий учрашувлар ва давра суҳбатларини ўтказиш; танловлар, халқ ижодиёти ва томоша санъатининг туман (шаҳар) миқёсидаги фестивалларини ўтказиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш;

оммавий байрам, томоша ва халқ сайилларини ташкиллаштириш, ижтимоий-маданий соҳада юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар бўйича уларга пулли хизматлар кўрсатиш.

4. Куйидагилар:

2019 – 2020 йилларда маданият марказлари фаолиятини янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 3-иловага;

2019 – 2022 йилларда янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва жиҳозланадиган маданият марказларининг манзилли рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига зарур ҳолларда Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда 2019 – 2022 йилларда янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва жиҳозланадиган маданият марказларининг манзилли рўйхатига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: бир ой мuddатда маданият марказлари фаолиятини, жумладан, маданият марказларини янги қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини ташкил этиш, шунингдек, самарасиз фаолият юритаётган маданият марказларини мақбуллаштириш тўғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

2019 йилнинг 1 февралига қадар маданият марказлари тўғрисидаги низоми, шунингдек, маданият марказлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш меzonлари ҳамда бадиий ва тўғрақ раҳбарларини уларнинг меҳнат фаолияти натижаси асосида рағбатлантириш тартибини тасдиқласин.

6. Куйидагилар мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни мувофиқлаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастури доирасида марказлаштирилган манбалар ҳамда республика бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

имтиёзли хорижий кредитлар ва грантлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, "Ўзбекино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг "Маданият ва санъат фидокори" кўрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги таклифи розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда "Маданият ва санъат фидокори" кўрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йилнинг 1 июнига қадар, жумладан, куйидагиларни назарда тутувчи ва тўғридан-тўғри амал қилувчи "Маданият тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин;

маданият соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари ва йўналишлари, уларни амалга оширишда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ваколатлари;

маданият соҳасида фуқаролар, миллат ва элатларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари;

маданий объектларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиблари, шунингдек, уларни молиялаштириш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари;

ижодий уюшма ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми, маданият соҳасидаги ходимларнинг ижтимоий ҳимояси;

маданий алмашув, халқаро ташкилот ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик, маданий объектлари ва санъат асарларини оммалаштириш.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг "Халқ чолгулари ижрочилари", Мукаррама Турғунбоева номидаги "Миллий рақс ижрочилари" ва Юнус Ражабий номидаги "Ёш мақом ижрочилари" республика кўрик-танловларини анъанавий равишда ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилансинки:

а) ушбу республика кўрик-танловлари:

"Халқ чолгулари ижрочилари" кўрик-танлови икки йилда бир марта, дастлаб 2019 йилнинг июнь ойида; Мукаррама Турғунбоева номидаги "Миллий рақс ижрочилари" кўрик-танлови икки йилда бир марта, дастлаб 2019 йилнинг октябрь ойида;

Юнус Ражабий номидаги "Ёш мақом ижрочилари" кўрик-танлови икки йилда бир марта, дастлаб 2020 йилнинг апрель ойида ўтказилади;

б) ушбу республика кўрик-танловлари ғолибларининг бир нафардан яққа ижрочилари тегишли йўналиш бўйича олий таълим муассасасининг бакалаврият босқичига қабул квотасига қўшимча давлат гранти асосида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги икки ой мuddатда ушбу республика кўрик-танловларини ўтказиш тартибларини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ҳар йили 21-27 март кунлари "Театр томошалари ҳафталиги"ни ва унинг доирасида маданий-маърифий тадбирлар, жумладан, театр рассомларининг кўргазмалари, театр либослари ва декорациялари намойишларини ташкил қилиш, томошабинлар билан ижодкорлар ўртасида мулоқотлар ўтказиш ҳамда аҳолининг шу кунлари давлат театрларига бепул кириши тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда:

давлатларaro қўшма лойиҳа доирасида Буюк Ипак йўлининг мамлакатимиздан ўтган қисmini "Ипак йўли: Зарафшон дарёси воҳаси" ва "Ипак йўли: Фарғона – Сирдарё ҳавзаси" номи остида ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига;

Ўзбек халқининг кўҳна ва бетакор санъати намунаси бўлган Хоразм "Лағзи"сини "Хоразм рақси – Лағзи" номи остида ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (Б. С. Сайфуллаев):

янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва жиҳозланадиган маданий марказлари лойиҳаларининг техник-иқтисодий ҳисоб-китобларини экспертизадан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" давлат унитар

корхонасига белгиланган тартибда киритсин;

янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ва жиҳозланадиган маданият марказларининг манзилли рўйхати параметрларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан қатъий назоратни таъминласин;

мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни аниқ мезон ва натижаларни кўрсатган ҳолда мунтазам равишда тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилиши чораларини кўрсин, зарур ҳолларда фуқаролик жамияти институтлари ва илмий доираларни миллий маданиятни янада ривожлантириш бўйича долзарб масалаларни муҳокама қилишга жалб этсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган ривожлантириш давлат дастурига киритилган маданият марказларини ривожлантириш ва моддий-техник базасини яхшилаш, шу жумладан, уларни жиҳозлаш учун имтиёзли шартлар асосидаги хорижий кредитлар ва грантларни жалб этиш чораларини кўрсин;

"Йўл харитаси", Чора-тадбирлар дастури ва Дастурнинг бажарилиши юзасидан ҳар чорада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълумотларни тақдим этиб бориш.

13. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда:

кириш ва ички туризмни ривожлантириш дастурлари доирасида юртимизда ўтказиладиган маданий соҳасидаги тадбирлар ҳамда маданият марказлари томонидан маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун ташкил этиладиган маданий тадбирлар рўйхатини ҳар йили 15 декабрга қадар шакллантирсин;

мазкур тадбирларни Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари орқали хорижий оммавий ахборот воситаларида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тарғиб қилсин.

14. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Ариповга – "Йўл харитаси", Чора-тадбирлар дастурлари ва Дастурни амалга ошириш юзасидан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф. Ш. Маҳмудовга – Концепцияда назарда тутилган вазифаларнинг босқичма-босқич тўлиқ амалга оширилиши, 2021 йил ва ундан кейинги йиллар учун назарда тутилган "Йўл харитаси"нинг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини ташкиллаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига – "Йўл харитаси", тегишли Чора-тадбирлар дастури ва Дастурда назарда тутилган вазифаларнинг ижросини тўғри ташкиллаштирилиши ҳамда чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Х. Комиловга – Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари вакиллари орқали юртимизда ўтказиладиган маданий тадбирларни хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш, чет эл мамлакатлари билан маданий ҳамкорликни янада жадаллаштириш, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда хорижий сайёҳларни маданий тадбирларга жалб қилиш чораларини кўриши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

15. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ёритиб бориш тавсия этилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиiddинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф. Ш. Маҳмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 28 ноябрь

СОЛИҚДАН ҚАРЗИНГИЗ ЙЎҚМИ?

Жисмоний шахслар томонидан мол-мулк ва ер солиқларини тўловининг белгиланган мuddатларда амалга оширилгани эътиборга молик. Бироқ, беш қўл баробар бўлмаганидек, айрим мол-мулк ва ер эгалари солиқ тўловларини тўлашда эътиборсизликка йўл қўётгани муаммолар учришига сабаб бўлмоқда.

Ангрэн шаҳри, "Янги боғи сурх" маҳалласи, 5-уйда яшовчи фуқаро Салима Мирисманованинг мол-мулк ва ер солиғидан қарадорлиги салкам 7 миллион 500 минг

сўмни ташкил этган. У 3 йилдан буён солиқ қарзини тўламайди. Шу кўчадаги 17-хонадон эгаси Достон Мирсалимов ҳам солиқ қарзини тўламаслик борасида устаси Фаранг чиқиб қолди. Қўйиб берсанг, 2 миллион 700 минг сўм солиқ қарзини тўламоқчи эмас.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг солиқларни ўз вақтида тўлашмаслиги, пайсалга солиши ёки ундан бўйин товлаши каби ҳолатлар уларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда чора кўрилишига сабаб бўлади. Халқимиз "Қарздорнинг ко-

саси оқармас", деб бежизга даъво қилишган. Солиқлар ҳам зақотдай гап. Баъзи ўзига тўқ, моддий аҳволи дурустгина фуқароларнинг солиқ тўлаш пайсалга солаётгани ажабланарли.

Қўрсаройлик Шерзод Абдувоҳидовнинг уй-жойини қўрсангиз, "Наҳотки шу хонадон соҳиби бир миллион сўмдан ортқ қарзини тўлай олмас", деб ҳайрон қоласиз. Рейд тадбиридан бир соат ўтмаёқ, хонадон эгаси томонидан қарадорлик қопланди. Аммо, унинг эътиборсизлиги туфайли ўнлаб давлат ходимлари овера бўлишди.

Шу ҳудуднинг Олмазор кўчасида яшовчи Сурайё Халилова ҳам мол-мулк ва ер солиқларидан қарзи салкам бир миллион сўм эканини унутган қўлнади. Турган гапки, бу қарздорлик йиллар давомида йиғилиб қолган.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Фуқаронинг солиқ тўлашдан бўйин товлаши нафақат қонунбузилиш ҳолати, балки ориятнинг синиши белгисидир. Шундай экан, барчамиз солиқларни ўз вақтида тўлаб, фуқаролик бурчимизни адо этайлик.

Вилоят давлат солиқ бoshқармаси Жамoатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот шўъбаси

«YOSHLAR – KELAJAGIMIZ» ЖАМҒАРМАСИ КЎМАГИДА

Чирчиқ давлат педагогика институтидида республикамиз бўйлаб ўтказилаётган "Ёшлар бандлигини таъминлашга қўмлаштириш ҳафталиги" доирасида "Тадбиркор ёшлар – юрт келажаги" мавзусида ўқув-семинари ташкил этилди.

➔ Анжуман

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ташаббуси билан Саудо-саноат палатаси, банк, солиқ идораси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, мамлакатимизда ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга берилаётган эътибор, имтиёз ва имкони-

ятлар тўғрисида батафсил тушунтиришлар берилди. Таъкидлаш керакики, ўтган қисқа мuddатда жамғарманинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан ёшларнинг турмуш шароитини яхшилаш ва тадбиркорликка бўлган интилишларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бир қатор ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда, меҳнатга лаёқатсиз, норасмий иш би-

лан банд бўлган, ишлаш, таълим олиш, ҳарбий хизмат ўташ истagini билдирган ёшларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Олиб борилаётган тушунтириш-тарғибот тадбирлари ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Очик мулоқот шаклида ўтган тадбирда ўз бизнесини ташкил этиш ва тадбиркорлик фаолиятини кенгайтири

Якуний натижаларга кўра, излар ўртасида биринчи



ЧИРЧИҚЛИК САКСОФОНЧИ ПРАГАДА ОЛҚИШЛАНДИ

Виллотимизнинг иқтидорли ўғил-қизларига гап йўқ. Мушиқа, санъат, спорт, фан йўналишларида юқори натижаларни қўлга киритиб, ота-оналари, устозлари, қолаверса, виллотдошларимизнинг юзини ёруғ қилишмоқда.

Офарин!



Биргина Чирчиқ шахридаги 7-Болалар мушиқа ва санъат мактаби тарбияланувчиларини олсак, улар

2012 йилдан бошлаб, юздан зиёд халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритиб, салмоқли совриллар

соҳиби бўлиб қайтишмоқда. Энг муҳими, уларни дунё танимоқда.

Куни кеча мактаб ўқувчиси Амрალი Махмудов Чехия пойтахтида ўтган "Прага юлдузчалари" ("Пражский звездопад") халқаро танловда саксофонда Бах асарини аъло даражада ижро этиб, бош соврин соҳиби бўлди. Буюк бастакор асарининг Амрალი ижросидаги талқини чехиялик мушиқа ихлосмандларига шу қадар ёқдики, улар ёш ўзбек созандасини, ўрниларидан туриб, "Браво!" дея, узок олқишладилар.

Мактабнинг 5-синф ўқувчиси Азиза Жумалиева ҳам жуда иқтидорли. У яқинда пойтахтимизда илк бора ўтказилган "Чиройли рақс туш" халқаро кўрик-танло-

вининг "Миллий рақс" йўналишида бош соврин соҳиби бўлди. Азиза устози Мунира Абдураимовадан ўрганганларини нозик ҳаракатлари, чиройли либослари билан уйғунликда намойиш этди.

— Мушиқа мактабимизда 520 ўғил-қиз 13 йўналиш бўйича ўқиб, ўрганишади, — дейди директор Гулнора Нурматова. — Улар қобилиятларига қараб сахна санъати, хореография, торли ва миллий чолғу асбоблари, рақсмонлик ҳамда вокаль йўналишларида таълим олишади. Баъзи иқтидорли ўқувчиларимиз бир неча йўналишда шугулланишни ҳам урдашмоқда. Биз жамоамиз билан уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Ўғил-қизла-

римиз ва уларнинг ота-оналарини гўзалликка, санъатга ошно бўлишлари ҳамда қўшаётганимиздан хурсандимиз. Алишер Зиёев, Азиза Курбонбекова, Икбол Тошпўлатова, Абдуқаҳҳор Ашуров, Зоя Варганова каби малакали ўқитувчиларимиз билан қўлни-қўлга бериб ишлаб, мактабимиз довуғини дунё сахналарига олиб чиқишга эришмоқдамиз. Зеро, ўқувчиларимизнинг муваффақияти, бизнинг ҳам ютуғимиздир.

Ёш санъаткорлар маҳалалар, боғча ва мактабларда тез-тез концертлар бериб туришади. Шу кунларда кўтаринки кайфиятда Янги йил байрамига қизгин тайёрларлик кетаяпти. Саҳна санъати гуруҳи ўқувчилари киши таътилда болаларни хурсанд қилиш мақсадида "Янги йил эртаги" номли спектаклни сахналаштиришмоқда.

К. САЛОМОВА
Рашид ГАЛИЕВ
олган сурат

Маънавият

Мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида оила институти ҳамда оила муаммоларини ҳал этишга қаратилган бир қанча ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга жорий этилгани халқимиз томонидан мамнуният билан қўтиб олинди.

АСЛ ФАРЗАНД – АСЛ ОИЛАДАН

Оила муаммолари, ёшлар тарбияси мавсумий иш эмас. Қолаверса, бугунги тез ўзгараётган, суронли даврда кўзга кўринмас хавф-хатарларнинг кўпайиб бораётгани ҳам бор гап. Афсуски, бу таҳдидлар, аввало, ёшлар тарбияси ҳамда оила мустаҳкамчилигини бузишга қаратилмоқда.

Маълумки, ёш авлодга дастлабки ва энг муҳим тарбия оила муҳитида сингдирилади. Халқимизда "Қуш уясида кўрганини қилади", деган ҳикматли нақл бор. Аввало, бола яхши тарбия олиши учун оилада соғлом муҳитнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Агар оилада ёши катталарнинг ўзлари тарбиясиз бўлса, бундай муҳитда катта бўлган боладан умид қилиш қийин, албатта.

Фарзанд тарбиясида аҳамиятли ва муҳим жиҳатлардан яна бири – оила муҳитида болаларни китоб ўқишга ўргатиш, уларни том маънода китобга ошно қилишдир. Чунки, тарбияда бадий адабиётнинг роли катта экани ҳаммага маълум. Шундай экан, болаларни вайронкор ва бузғунчи ғоялардан сақлашнинг муҳим воситаларидан бири уларни бадий китоб мутолаасига ўргатишдир.

Болалар тарбияси бузилмаслиги, улар оиласидан беизб, четдан ўзларига паноҳ изламаслиги ва шу тариқа бузғунчи ғоялар домига тушиб қолмаслиги учун улар билан чин дилдан суҳбатлашиш, уларни қизиқтираётган муаммолардан хабардор бўлиб туриш, саволларига асосли ва тўғри жавоб бера олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Болаларга нисбатан ўта қаттиққўллик, оилада уларни ортиқча тергаш, ҳақоратлаш, жисмоний оғир меҳнатга солиш, зарур воситалар билан ўз вақтида таъминламаслик, фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

Бугунги глобаллашган дунёда болаларимизни тўғри тарбиялашимиз учун турли тўсиқлар борки, биз катталар, аввало, ўзимиз улардан эҳтиёт

бўлишимиз, қолаверса, фарзандларимизга оқни қорадан ажрата билишни ўргатишимиз зарур. Уларда интернетдаги бузғунчи, қалғитувчи ахборотлардан ҳимояланиш имунитетини кучайтиришимиз керак. Бунинг учун ёшларимизга миллий анъана ва қадриятларимизни чуқур сингдиришимиз даркор.

Жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб ўстираётган фарзандларимизни маънавий томондан бузишга уринаётган айрим интернет сайтлари телевидение ва бошқа босма оммавий ахборот воситалари ҳақида кўп маълумотга эгамиз. Уларга қарши курашиш, албатта, ота-она зиммасида. Шу нуктаи назардан қараганда тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи лозим, деган гап бежиз айтилмаган. Оилада ота-она ва ёши катталар болаларни беамал, шарм-ҳаёсиз фильмлар ва саёз кўрсатувларни томоша қилишлари, ҳар хил шубҳали сайтларга киришларидан сақлашлари лозим.

Ваҳоланки, катталарга ҳурмат, кичикка иззат, ота-онани эъзозлаш, уларни ранжитмаслик, кексайиб, кучдан қолганларида уларга суянчиқ бўлиш халқимизда муқаддас бурч саналиш билан бирга Бош Қомусимизда ўзининг ҳуқуқий асосини топаган. Зеро, Конституциямизнинг 66-моддасида айтилганидек: "Бояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар".

Доноларимиз ҳам: "Фарзандларинг сенга қандай муносабатда бўлишини хоҳласанг, ота-онанга ҳам шундай муомала қил", дея ўғит беришган.

Мухтасар айтганда, оилада ота-оналар ва ёши катталар масъулиятни кучайтиришса, ёшларимизнинг келажаги учун салмоқли ҳисса қўшган бўлади.

Моҳира ХОЖАЕВА,
Республика "Маънавият ва маърифат" маркази виллот бўлими раҳбари

Акс-сало

Оиламиз билан ҳар оқшом, бир пиёла чой устида ўқиган, эшитган, кўрганларимизни бир-биримизга сўзлаб берамиз. "Тошкент ҳақиқати"нинг 17 ноябрдаги 92-сонидан чоп этилган "Паспорт ололмасам, отимни ўзгартираман...ми?" сарлавҳали мақолани ўқиб, ҳайрон қолдик. 20 йил давомида паспортсиз юрган одамнинг ахлоқиға йиғлашни ҳам, қулишнинг билмайди киши. Очиги, ўз туғилиб ўсган юртида бегоналардек яшаётган Аҳмад Пўлатовга ачиндик.

ЎЗ ЮРТИДА... БЕГОНА

Ахир, ҳозир одамлар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланаяпти-ку?! Дарвоқе, яқинда кичик қизим 16 ёшга тўлди. Унга паспорт олиш учун Қибрай тумани ички ишлар бўлимига мурожаат этдик. Улар ҳеч қандай эътирозларсиз ҳужжатларни қабул қилиб олишди. Тез орада ўзлари қақириб, қизимнинг паспортини қўлига тутқазилди.

Шунинг учун ҳам Аҳмад Пўлатов воқеаси бизни лол қолдирди. Тўғри, яқин-яқинларга бюрократия авж олган, қаерга борсанг қоғозбозлик эди. Турли-туман идораларга қатнайвериб, ишини битира олмаган, боз устига умри навбат кутиш билан ўтган одамларда норозилик кучли эди. Ҳатто, "Ишинг битидими", деб сўралса, "Эй, дўхтирни дўхтирлиги ҳақида ҳам қоғоз сўрашди", дея қўл силташарди. Лекин, у вақтлар ўтди-кетди-ку! 63 ёшни қаршилаётган, ўғил-қиз, неваралар ардоғида дав-

ру даврон сурадиган инсоннинг сарсонгарчилиги ҳеч ақлга сиймайди ҳолат. Шундайларнинг соддалиги, ўз ҳуқуқини билмаслигидан фойдаланиб, ҳали у идорага, ҳали бу ташкилотга сарсон қилишлари тўғримикин?! Ахир, у киши ўз лоқайдлиги азобини шунча йилдан буён тортиб келаяпти-ку?!


Наҳотки, Паркент тумани паспорт столидагилар унга ёрдам қўлини чўзишмаса? Балки, улар бу воқеалар замирида бир инсон тақдирини борлигини унуттишгандир.

...Агар ўлиб қолсам, мени ким деб кўйишади, паспорт йўқ одамга ФХДБ бўлими қоғоз берадими? Кишлоқ врачлик пунктичи? Гўрков кўмадимми? Ўлимим фарзандларимга муаммо келтирадими,

деб кўркаман". Ёки "...Ишонаверинг! Аҳмад Пўлатов, Атхам Пўлатов, Маҳамат Тўйчиев ва Аҳмад Пўлатов ҳам ўзим... Ўзим эса, 22 йилдирки, Аҳмад Пўлатов екачилигини исботлай олмай оворам сарсонман..." Бу сатрлар кимни сескантирмайди?

Энг ачинарлиси, 63 ёшли Аҳмад Пўлатов паспорт йўқлигидан уч йилдан бери нафақа пулини ололмас экан. Албатта, паспорт бўлмаганидан кейин берилмайдиган насабаси, йўғей нафақаси. Шу тобда бир шоирнинг "Йўқнинг насабасини борга берганман", деган мисраси ёдимга тушиб кетди. Дарҳақиқат, ҳақ гап...

Дилором САЙДАЛИЕВА,
уй бекаси



Мутолаасиз яшаш мумкинми?

Бекобод тумани, "Ўрикзор" маҳалласида истиқомат қилувчи Пардаевларнинг мўъжазгина томорқаси, саранжом-сариста ҳовлисида кирган кишининг бахри дили очилади. Опа-ўка Шарофат ва Илҳомжоннинг, келинлари Иноятхоннинг одамийлиги туфайли хонадон файзли, баракали. Шарофатхоннинг ногиронлиги ҳам бу оиладаги самимиятга соя солмайди.

— Опам ёлғизгина жигарим, — дейди Илҳомжон. — Унинг ҳаёт синовларига чидамлилиги, бардошини қўриб, ўз ташвишларини унутгандек бўламан. Ахир, тўрт мучам соғ бўлатуриб нолисам, Яратганга ҳам хуш келмайди-да.

Аслида, опамнинг ногиронлиги туғма эмас. Бир ярим ёшлигида қаттиқ оғриб қолган, лекин касалига тўғри ташхис қўйилмай, ўтказиб юборилган экан. Шу-шу икки оёғининг тиззадан пасти ишламайди. Аммо, опам тақдир ҳукмига бўйин эгмади, ўзгаларга қарам бўлмай, ҳаётда ўз ўрнини топишга астойдил интилди. Биз ҳам имкон қадар опамга қўл-қанот бўлишга ҳаракат қилдик...

Яқинларининг меҳр-оқибати Шарофатхоннинг ҳаста вужудига куч бағишлади. У тикувчилик, зардўзлик сирларини мустақил ўргана бошлади. Аста-секин ўз хонари билан эл назарига тушди. Шарофат тиккан, тўқиган буюмлар кўпларнинг хонадонига фойз, келинчақларнинг хўснига хўсн қўшди.

— Инсонни меҳнат улуглар экан, — дейди у. — 2013 йилда "Ватан тараққиётига менинг ҳиссам"

кўрик-танловининг виллот босқичида "Фахрий ёрлик", "Ташаббус"

болаға йўқ. Шарофат бекор ўтиришни ёқтирмайди. Уй-рўзгор

МАТОНАТ — ҲАЁТ СИНОВЛАРИГА ҚАЛҚОН

кўрик-танловининг туман босқичида "Энг яхши хунарманд" деган эътирофга сазовор бўлдим. Бир кунни укам: "Опажон, сизга ажойиб совға бор!" деди қувониб. Қўлида "Мустақил юрт хунармандлиги" номли китоб бор эди. Уни аста варақлай бошладим. Саҳифалардан бирида ўз суратимни қўриб, йиғлаб юбордим. Юрагим ҳаяжондан ҳаприқиб кетди. Ишонасимиз, ҳатто оёқларимга жон киргандек бўлди. Жамиятда ўз ўрнини борлигига ишонч ҳосил қилдим. Вужудимда куч-қувват, яшаш, ишлаш учун улкан бир рабатни сездим.

Ҳа, бу сўзларда ҳеч қандай му-

юмушларидан асло оғринмайди. Ош-овқат тайёрлаш, хамир қориб нон ёпиш, ўз фарзандидек бўлиб қолган жиянларини ширин таомлар билан сийлашни яхши кўради.

— Шарофат опамдан кўп нарсаларни ўргандим, — дейди келини Иноятхон. — Одамларга дардини дастурхон қилмайди, ширин сўзини, меҳрини аямайди. Рўзгор ишларига ҳамиша елкадош. Томорқада сабзавот, мева-чева етиштириш, уни йиғиб-териб, қишга ғамлаш опамизга завқ бағишлайди. Ҳатто, нарвонга чиқиб, олма-

гилос теришни ҳам урдашлайдилар. Уларнинг шарофати билан қишда ҳам тувакдаги гуллар яшнаб туради...

— Бу оилага тез-тез келиб тураман, — дейди маҳалланинг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси Хурсаной Назарова. — Шаро-



фатхон бошчилигидаги хонадонда маънавий соғлом муҳит шаклланди. Ҳаётда ҳамма ҳам улардек бир-бирига суяниб, "ёмони-ни яшириб, яхчисини ошириб" яшолмайди. Бунинг учун инсонга сабр-тоқат, қаноат керак. Ахир, имконияти чекланган бўлишига қарамай, бирор марта ҳаётдан нолимаган, ҳар бир ўтган кунига шукр қилиб яшайди.

Дарҳақиқат, Шарофатхондаги меҳнатсеварлик, сабр-тоқат, матонат, кўпларга ўрнак бўлса арзий-

Одамийлик шеvasи

ди. У бор кучи ва вақтини эшикма-эшиқ, идорама-идора юриб моддий ёрдам, қўшимча нафақа сўраш билан ўтказмай, аксинча, ўз меҳнати билан кимгадир ёрдам бериш, кўнглини кўтаришга сарфлашга ҳаракат қилади. Шарофатхон тиккан буюмларининг харидори қўлиги-ю, одамларга манзур бўлаётганидан хурсанд. Энди у ўз хонарини ёш қизларга ҳам ўргатмоқчи. Зотан, хунари бор инсон хор бўлмайди. Бу ҳақиқатга у ўз ҳаёти давомида кўп марта амин бўлган. Яқинда Шарофатхонга давлатимизнинг нуфузли мукофоти топширилди. Унинг ёрлиғида шундай сўзлар бор:

"Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудратини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, қўлга киритилаётган ютуқларга қўшган муносиб ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун хунарманд-тикувчи Шарофат Пардаева Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға қўра, "Жасорат" медали билан мукофотлансин!"

Бундай эътибор ва рағбатдан қўнгли тоғдек кўтарилган Шарофатхон энди Ўртбошимиз қарорига кўра ўтказиладиган "Хунармандлар фестивали"да иштирок этмоқчи.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Мавсум латифаси

"Ихтиёрий" ўсиш

"Ҳақон адабиёти" журнали бош муҳаррири Аҳмадjon Мелибоев билан телефондаги суҳбатдан:

— Обунангиз яхшими, устоз?
— Яхши бўлганда қандоқ!
Масалан, ўтган бир ҳафтанинг узида журналимиз обунаси 200 фойзга ошди!
— Ия, зўр-ку! Қандай қилиб?
— Жуда оддий. 8 та обуначимиз 16 та бутпи...

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
11 031 нуҳсада чоп этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)
71 233-70-10
71 233-55-38
71 233-38-23, 71 233-48-08
71 233-65-59
71 233-54-10

Тошкент виллоты Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусоҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ